



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 9 (13.856)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ХИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА АМАЛИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модининг таклифига биноан "Жўшқин Гужарат - 2019" IX халқаро инвестиция саммитида иштирок этиш учун 2019 йил 17-18 январь кунлари ушбу мамлакатда амалий ташриф билан бўлади.

Давлатимиз раҳбари саммит алғи сессиясида нутқ сўзлайди, шунингдек, Ўзбекистон - Хиндистон ҳамкорлиги, халқаро ва минтақавий сиёсат масалаларини муҳокама қилиш учун Бош вазир Нарендра Модин билан музокаралар ўтказди. Бош вазир Нарендра Модин ташаббуси билан 2003 йилдан буён

Гандинагар шаҳрида ўтказиб келинаётган "Жўшқин Гужарат" саммити минтақадаги энг йирик халқаро форум ҳисобланади. Унда давлат ва ҳукумат раҳбарлари, вазирлар, халқаро ташкилот ва транс-миллий корпорациялар раҳбарлари, етакчи таҳлилчилар, экспертлар иштирок этади.

Анъанага кўра, глобал иқтисодий ривожлантириш, савдо соҳасидаги шерикликни кенгайтириш, инвестициялар жалб қилиш, илғор технологиялар ва билимлар алмашишга доир долзарб масалалар форум иштирокчилари диққат марказида бўлади.

Ўза

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Истеъдодли ёшлар - мамлакат фахри

Қозғистоннинг Олмаота шаҳрида 9-15 январь кунлари XV халқаро Жаутиков олимпиадаси ўтказилди. Физика-математика, информатика фанлари бўйича ўтказилган ушбу олимпиадада 18 давлатдан 540 нафар ўқувчи иштирок этди. Олимпиадада муносиб ютуқларни қўлга киритган юртимиз ёшлари Тошкентга қайтиб келди.

Ғолиб ёшларимизни Ислам Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида кўксимиз тўла севинчу хушнудлик билан кутиб олди. Айниқса, устозларнинг, ота-оналарнинг қувончу ифтихорларини сўз билан таърифлаш мушкул. Фурсатдан фойдаланиб, Бухоро вилоятидаги Қорақўл академик лицейи директори Ғолибжон Жумақуловни сўхбатга тортиди.

Ушбу халқаро олимпиадада Ўзбекистондан 22 нафар ўқувчи катнашди. Юртимиз ёшлари битта олтин, учта кумуш, еттита бронза медалларини қўлга киритишди. Ҳозир қувончмандан кўксимга сиймаяпти. Айниқса, Россия, Америка, Туркия ёшлари билан бўлган мurosасиз ақл жангида ўқувчиларимиз буюк аждодларимизнинг издошлари эканлигини яна бир бор исботлади.

Қорақўл академик лицейи ўқувчиси, олтин медаль соҳиби Аббосжон Сайлиевнинг кўзларида порлаб турган чўгда келгусида буй чўзадиган улкан умид дархонининг суратини кўргандек бўлдим.

Бўзим ҳар доим "Ешликда олинган билим тошга йўлланган нақш" дердилар. Халқаро олимпиадада олтин медаль со-

ҒОЛИБЛИК НАШИДАСИ

ҳиби бўлиш - мен учун катта бахт. Бу ғолибликни қўлга киритишда устозларимнинг меҳнатини алоҳида қадрлайман. Барча тенгдошларимга мана шундай ютуқларга эришишида муваффақиятлар тилайман.

Сўхбатга яна бир жонқуяр устоз, физика-математика фанлари номзоди, Тошкентдаги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С.Сирожиқдинов номидаги академик лицейнинг 3-босқич ўқувчиси Хасанов Отабекман. Олимпиадада физика фани бўйича иштирок этдим. Ақл ва заковат курашида бронза медалини қўлга киритдим. Келгусида барча тенгдошларимга Ватанимиз байрогини баланд кўтаришида омад ва ғалабалар тилайман.

Дунё бўйича нуфузли XV халқаро Жаутиков олимпиадасида Ўзбекистон ёшлари қозонган муваффақият бутун халқимизни севинтирди, десам муболаға бўлмайди. Бизнинг ўқувчиларимизнинг битта олтин, учта кумуш, еттита бронза медалини қўлга киритиши, албатта, бу катта ифтихор бўлиши билан бирга, юртимизда иқтидорли ёшларга кўрсатилган билим тошга йўлланган нақш дердилар. Халқаро олимпиадада олтин медаль со-

луғ аллома боболаримиз каби жаҳонни кўп марта ҳайрат ва ҳаяжонга солаверди.

Навқирон ниғоҳларида ғалаба нашидаси порлаётган, яна бир олимпиада ғолибининг сўзларини ёзиб олди.

Мен Тошкентдаги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С.Сирожиқдинов номидаги академик лицейнинг 3-босқич ўқувчиси Хасанов Отабекман. Олимпиадада физика фани бўйича иштирок этдим. Ақл ва заковат курашида бронза медалини қўлга киритдим. Келгусида барча тенгдошларимга Ватанимиз байрогини баланд кўтаришида омад ва ғалабалар тилайман.

Биз ҳам ўқир эҳн, заковат ва истеъдодлар маскани бўлган Ватанимиз осмонда, мана шундай миллатимизнинг ифтихори, қалбимизнинг қувончи бўлган порлоқ юлдузларимиз янада юксак, қўшдек нур сочиб порлайверсин, деймиз.

Озода БЕКМУРОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 20-22 январь кунлари расмий ташриф билан Германия Федератив Республикасида бўлади.

Германия пойтахти Берлин шаҳрида Федерал Президент Франк-Вальтер Штайнмайер, Федерал канцлер Ангела Меркель ва Бундестаг Раиси Вольфганг Шойбле билан музокаралар бўлиб ўтади.

Кун тартибидан сиёсий мулоқотни янада мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, сармоявий ва молиявий ҳамкорликни кенгайтириш, қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш, маданий-гуманитар, фан-таълим ва сайёҳлик соҳаларидаги алмашувларни фаоллаштириш каби масалалар ўрин олган. Шунингдек, халқаро ва минтақавий сиёсат-

нинг долзарб масалалари бўйича фикр алмашилди.

Мюнхен шаҳрида Ўзбекистон Президентининг Бавария Бош вазири Маркус Зёдер, шунингдек, ушбу мамлакатнинг етакчи ишбилармон ва молиявий доиралари вакиллари билан учрашувлари режалаштирилган.

Ташриф доирасида иқтисодий, молия, инновациялар ва инвестициялар, илм-фан, техника, таълим ва маданият соҳаларида ҳамкорликка оид икки томонлама қатор ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган.

Ўза

ЎЗБЕК ТЎҚИМАЧИЛАРИ ЎЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ГЕРМАНИЯДА НАМОЙИШ ЭТИШДИ

Германиянинг Франкфурт-Майн шаҳрида "Heimtextil 2019" халқаро уй тўқимачилик маҳсулотлари кўргазмаси бўлиб ўтди.

Дунёнинг 135 мамлакатидан ташриф буюрган 2970 дан ортиқ ишлаб чиқарувчи компаниялар ва 70 миңга яқин иштирокчи қатнашган мазкур халқаро тадбирда ўзбекистонлик тўқимачилар бир неча кўргазма стендлари билан иштирок этиб, мамлакатимиз енгил санюати салоҳиятини дунёга намойиш этишди.

Маълумот тарихида таъкидлаш жоизки, 1971 йилдан буён ҳар йили ўтказиб келинаётган халқаро кўргазмада юртимиз вакиллари 11-бор иштирок этиб, тўқимачилик ва уй жиҳозлари матолари, шунингдек, дизайн маҳсулотларини хорижий харидорларга тақдир этишмоқда.

Кўргазма очилишининг биринчи кунинда "UzTex Group" ва "Bakhtal Group" компанияларининг махсус бренд маҳсулотлари намойишга қўйилган стендлари ташриф буюрувчилар билан гавжум бўлиб, хорижий харидорлар ва соҳа мутахассисларида катта қизиқиш уйғотди.

Халқаро кўргазма доирасида "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси раҳбарияти бошчилигида Германияга ташриф буюрган Ўзбекистон делегацияси ГФР тўқимачилик саноати вакиллари, жумладан, Тўқимачилик маҳсулотлари импортчилари, Машина ишлаб чиқарувчилари уюшмаси ҳамда Штуттгарт савдо-саноат палатасида учрашувлар ўтказиб, мамлакатимизда соҳани инновацион-технологик жиҳатдан ривожлантириш ҳамда ўзбек ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларини Европа бозорига экспорт қилиш юзасидан музокаралар ўтказди.

15 дан ортиқ ўзбек ишлаб чиқарувчилари иштирок этган кўргазма доирасида, шунингдек, тайёр маҳсулотларни экспорт қилиш ва мамлакатимиз корхоналарини модернизациялаш бўйича бир неча миллионлик контрактлар имзоланиши кутилмоқда.

"Дунё" АА Франкфурт-Майн

ПОКИСТОНДА ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ БАЙРАМИ НИШОНЛАНДИ

2019 йил 14 январь куни Покистон Ислам Республикаси олий ҳарбий кўмондонлиги ташаббуси билан мамлакат Қуроли Кучлари Бирлашган штабида икки томонлама муносабатлар амалиёти ва тарихида илк бор Ўзбекистон давлат байрами - Ватан ҳимоячилари куни тантанали равишда нишонланди.

Тадбир юқори даражада ташкил этилди. Бирлашган штаб тантаналар майдонида Ўзбекистон элчихонаси делегациясини халқаро ҳарбий ҳамкорлик бўйича директорат бош директори генерал-майор Муҳаммад Шафиқ ва унинг ўринбосарлари кутиб олди.

Фахрий қоровул саф тортиди. Тадбир иштирокчилари ҳарбий оркестр садолари остида тантаналар залига йўл олди. Бинога кираверишда Ўзбекистон ва Покистон давлат байроқлари ўрнатилди.

Тадбир доирасида Покистон томони Ўзбекистоннинг бой ўтмиши, иқтисодий ва ҳарбий салоҳияти ҳақида ҳикоя қилувчи видеотақдирот ўтказди. Унда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар, унинг яқин кўшничлик тамойиллариға оғишмай риюа қилиши Покистон билан Ўзбекистон ўртасидаги кўп қиррали, жумладан, хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликни фаоллаштиришга замин яратгани алоҳида қайд этилди.

Тақдирот давомида Покистон билан Ўзбекистон Қуроли Кучлари ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик соҳасидаги сўнгги ютуқлар ҳақида ҳам батафсил маълумот берилди.

Покистон вакиллари томонидан бундай тадбир мамлакат Қуроли Кучлари Бирлашган штаби тарихида илк бор ўтказилаётгани қайд этилди. Штаблар бошлиқлари бирлашган кўмитаси раиси генерал Зубайр Хаёт қарорига кўра бундай тадбирни нишонлаш амалиёти айнан Покистон билан яқин тарихий-маданий алоқалар орқали боғланган Ўзбекистондан бошлангани муҳим аҳамиятга эга. Бу, шунингдек, мамлакатимизнинг нуфузи ортиб бораётгани, Покистон билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳарбий-сиёсий алоқаларнинг юксак даражаси, кўп қир-

рали ҳамкорликнинг юқори ривожланиш суръатларидан далолатдир. Покистон генераллиги Ўзбекистоннинг жадал тараққиёт суръатлари, изчил ривожланаётган иқтисодиёти ва унинг минтақа, айтиқса, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришдаги ролини юксак баҳолаш қайд этилди.

Марказий Осмёда минтақавий хавфсизликнинг янги ва самарали тузилмаси Ўзбекистон Президенти раҳнамолигида барпо этилаётгани таъкидланди. Хусусан, ўтган йили Тошкентда ўтказилган Афғонистон бўйича халқаро конференция, шунингдек, Ўзбекистоннинг мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатлари дунё мамлакатларининг афғон муаммосига оид қарашларини ўзгартиришга туртки бўлди, бу маълум даражада минтақадаги вазиятни соғломлаштиришга хизмат қилди.

Ўзбек дипломатлари ҳам Покистон жамияти, жумладан, ҳарбий кўмондонлик Ўзбекистоннинг бой тарихий-маданий меросини юксак ҳурмат-эҳтиром билан тилга олишини, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига ташриф буюриш эса юксак шараф эканини қайд этди.

Мазкур тадбир ҳақида маълумот берган Покистон етакчи оммавий ахборот воситаларини таъкидлашчи, бугун ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун янги имкониятлар очилмоқда. Ўзбекистон давлат байрами - Ватан ҳимоячилари куниға кўрсатилган эҳтиром Покистон билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларнинг янги босқичдан далолат бериб, томонлар биродар халқларимиз ўртасидаги алоқаларни дўстлик асосида ривожлантиришга тайёр эканини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Матбуот хизмати билан ҳамкорликда тайёрланди

XXI саҳоси аср Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси томонидан Тошкент вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда Бўқа туманида оммавий сайёр қабул ўтказилди. Туманинг энг олис ҳудудларидан бири - Равот қишлоғида ташкил этилган мулоқотда вилоят ва туман секторлари, бошқарма ва ташкилотлар, тижорат банклари раҳбарлари, вилоят судлари раислари, мурожаатчи фуқаролар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби замонавий бинога эга бўлди. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан барпо этилган бинода спорт зали, кийиниш, ювниши хоналари ва мактаб маъмурияти учун хизмат хоналари мавжуд. Иншоот қурилишига 2 миллиард 800 миллион сўм маблағ сарфланди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институти томонидан Ички ишлар вазирлиги Жиззах академик лицейида ўтказилган беш кунлик сайёр ўқув йиғинларида ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси, ички ишлар бўлимлари бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари ҳамда соҳавий хизматлар раҳбарлари иштирок этди. Машғулотларда ички ишлар органларида хизмат интизомо ва қонунийликни таъминлаш, маънавий-руҳий муҳит барқарорлигини таъминлаш омиллари ҳақида атрофлича тўхталиб ўтилди.

ЖАҲОНДА

АҚШда рўй берган қучли қор бўрони айниқса, Миссури, Канзас ва Сент-Луис штатларига катта зарар келтирди. Айрим жойларда қорнинг қалинлиги 26 сантиметрге етди. Сўнгги юз йил ичида илк бор қузатилган шундай қаратон қишда қор бўронлари давомида етти юздан ортиқ йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлиб, беш киши ҳалок бўлди, 48 нафар одам жароҳатланди. Чикагонинг иккита аэропортида кўплаб рейслар бекор қилинди. Синоптикларнинг сўзларига қараганда, бундай об-ҳаво ноқулайликлари ҳафтанинг охириға қадар давом этади.

Швейцариянинг Женева шаҳрида анъанавий 29-халқаро соат саноати кўргазмаси очилди. Унда тўрт кун давомида жаҳондаги энг йирик саноатсозлик компаниялари ўзларининг энг сара маҳсулотларини намойиш этадилар.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Туркиянинг "Piramit ticarilik sehircilik ve tihendislik LTD. STI" лойиҳалаш шirkати вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда Бектемир туманидаги "Бахт" қўли ҳамда Тошкент вилояти ҳудудидаги "Тошкент денгизи" қўли ("Туббўғиз" сув омбори)да туризми ривожлантириш йўналишига зарур инфрамулкларни ташкил этиш бўйича муҳокама қилинган.

Пойтахтимиздаги 60-умумтаълим мактабига немис шоири ва мутафаккири Йозани Вольфганг фон Гёте номи берилди. Шу муносабат билан мазкур таълим муассасасида тадбир ташкил этилиб, унда тегишли вазирлик ва идоралар, Германиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси вакиллари иштирок этди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида "Менинг ўғлим - Ватан ҳимоячиси" шiori остида "Тошкент - Жиззах" видеоконференция тадбири бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳридаги ҳарбий қисмларда хизмат қилаётган жижзахлик ва Жиззах вилоятида шарафли

бурчини адо этаётган тошкентлик ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг ота-оналари, устозлари, дўсту яқинлари ва ёшлар иштирок этди.

Хива шаҳрини мамлакатимизнинг бошқа тарихий ҳудудлари билан боғлаш, сайёҳлар оқими янада ошириш мақсадида "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ томонидан 12-сонли Бухоро - Хива теъзорар йўловчи поезди қатнови йўзга қўйилди. Бухоро темир йўл вокзалидан ҳаракатини бошлаган мазкур замонавий поезд 13 та вагондан иборат бўлиб, "экспот", "biznes" ва "VIP" турларига бўлинган.



Футбол янгиликлари

КЛУБ РАҲБАРИАТИДА ЎЗГАРИШ БЎЛДИ

Пойтахтимизнинг "Бунёдкор" футбол клуби раҳбариятида ўзгаришлар амалга оширилди.

2017 йилнинг май ойидан футбол клубига директорлик қилиб келган Мурад Алиев ўрнини Улуғбек Мирзаев эгаллади. Шу кунга қадар Улуғбек Мирзаев клуб спорт

директори лавозимида ишлаб келаётган. Дарвоқе, янги мавсумга тайёргарлик кўриш учун ташкиллаштирилган ўқув-машуғулот йиғинида "Бунёдкор" футболчи-

ларини Шухрат Мақсудов тайёрламоқда. Шу кунга қадар жамоага устозлик қилган Миржалол Қосимов энди АГМКда бош мураббий сифатида фаолият юротади.

ТЕМИРЎЛЧИЛАРНИНГ РАҚИБЛАРИ МАЪЛУМ

Айни кунларда БААнинг Дубай шаҳрида жорий йилги мавсумга тайёргарлик кўраётган Тошкентнинг "Локомотив" жамоаси яна муваффақият қозонишни мақсад қилган.

Чемпионат ўйинларидан ташқари ОЧЛ гуруҳ босқичида қатнашадиган темирўлчилар 23 январга қадар давом этадиган йилги доирасида аввалга Москванинг "Спартак",

кейин Словакиянинг "Жилина" жамоалари билан назорат-ўртоқлик учрашуваридан куч синашилади. Сўнги баҳс Даниянинг "Брондбю" жамоасига қарши ўтказилади.

Кўргазмалар

Янги давр руҳиятини сингдириш

Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида расмий Любовь Тиоранинг "Экспиреал" номи лаш кўргазмаси бўлиб ўтди.

Любовь Ивановна Тиора – ҳозирги кунда классик символизм элементлари воситасида романтик символизм йўналишида юртимиз рангтаصريда янги давр руҳиятида фаолият юритиб келаётган расмолардан. Асарлари юрдошларимиз, санъат илосмақдлари ва хориклик коллекционерларга яқиндан маълум.

Тадқим этилган рангтасвир ижод намуналарида умуминсоний маънавият қадриятимиз акс этган. Уларга оддий назар солиш учун эмас, балки шунчаки кўриш учун яратилган ижод намуналари бизнинг фалсафий қиёфалар ва тушунчалар оғушига чорлайди. Рассом бизларни ўз қиёфалари дунёсига ташриф буюришларини истаган ҳолда асарлари дунёсига киришимиз ва унинг фазосида тушунча ҳосил қилишимиз асосида ҳақиқатни англашга ундайди.

Рассомнинг "Нозик коинотнинг уйғунлашуви" ва "Умидни қайтарган" асарлари сюжетни жиҳатидан томошабинга глобал толерантлик ва ишонч, турли маданиятлар орасидаги ўзаро ҳурмат ҳақида ҳикоя қилади. "Онажон, менга қанот бағишла" асарида миллион йиллар мобайнида пайдо бўлган беқибс кристаллар, тоғли Олтоё бепеён кенгликлари, Марказий Осиё цивилизациясига ҳамоҳанг ҳудуднинг қиёфаси яратилган.

– Енисейда бўлганимда эшитган қадимий ривоятлардан бирида айтилишича, – дейди тарих фанлари номоди, санъатшунос Владимир Карсьев. – Қадимий инсонлардаги олий фазилат ва гуманизм босис учини қобилиятини уларга бахш этган экан. Учин истаги ҳолда бўлган заҳоти Она кийик учини қобилиятини тақдими асар экан. Балки Любовь Тиоранинг ушбу палатноси шу ҳақда ҳикоя қилаётгандир? Балки ҳар бир инсон учини қобилиятига эгадир. Балки томошабин Любовь Тиоранинг асарларини "Фантасмагория" деб таърифлаш мумкин. Эътиборлиси шуки, ҳаётнинг ўзи "Фантасмагория" эмасми?

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

"ЗАКОВАТ" ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ЎЙНИДА КУЧЛИЛАР САРАЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясида "Ватанга садоқат билан хизмат қилмаган" шиори остида "Заковат" интеллектуал ўйини ўтказилди.

Унда таълим муассасаларидан жами 300 нафар ёш ҳамда ҳарбий қисм аскарлари иштирок этди. Ҳарбий қисм аскарлари ўртасида 6 жамоадан иборат "Заковат" интеллектуал турнири бўлиб ўтди.

Тадбир давомида ёшлар ҳарбий қисм аскарлари ҳаёти, уларнинг ўқув ва маънавий, шунингдек, жанговар тайёргарликлари билан таништирилди. Бундан ташқари, махсус жанговар ўқотар қуроллар, машиналар ҳамда ҳарбий тиббиёт ускуналари намойиш этилди. Шунингдек, тадбирда ҳарбийлар билан ўзаро баҳс ва мунозараларга бой бўлган қизиқарли суҳбатлар бўлиб ўтди.

Натижаларга кўра фахрли биринчи ўрин Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси курсантларига, иккинчи ўрин Божхона институти курсантларига ва учинчи ўрин Ўзбекистон Қуролли Кучлар академияси курсантларига насиб этди. Ҳолиларга ташкилотчилар томонидан дипломлар топширилди.

Нигора ФОЗИЛОВА



Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1 рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бунича турар жойлардаги почта бўлимига ёки "Тошкент почтамати"га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ



Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2018 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

"Шарқ" наشريят-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буёқ Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Буюртма Г. 146

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 15:40

МУСОБАҚА ҚИЗГИН ПАЛЛАГА КИРМОҚДА

БААда футбол бўйича давом этаётган Осиё кубоги баҳслари қизгин паллага кирмоқда.

Осиё кубоги "А" ва "В" гуруҳларида ҳал қилувчи 3-тур беллашуварли бўлиб ўтди. Айтиш жоизки, БАА, Ҳиндистон, Таиланд, Баҳрайн қатнашган "А" гуруҳида ўтказилган 2-турдан сўнг вазият анча чигаллашган, яъни, ҳар бир терма жамоа кейинги босқич йўлланмасини қўлга киритиш ҳуқуқига эга бўлган. Шу боис ҳам сўнги тур мурасасиз кетди. БАА – Таиланд учрашуви 1:1 ҳисобидаги дуранг билан якунланди. Уч очкога эга бўлган Ҳиндистон – Баҳрайн терма жамоасига 0:1 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйди ва Осиё кубоғини тарк этди. Эътиборлиси, ушбу гуруҳдан БАА 5 очко жамғарган ҳолда нимчорак финалга йўл олди, 4 очкога эга бўлган Баҳрайн ҳамда Таиланд 2, 3-ўринларни эгаллашди ва "плей-офф"да ўйнаш имкониятига эга чиқиди.

"В" гуруҳидан ўрин эгаллаган 3-тур доирасидаги Австралия—Сурия учра-

шуви кескин курашлар остида 3:2 ҳисобида "яшил қитъа" вакиллари билан якунланди. Фаластин—Иордания ўйинида томонлар мураса йўлини танлашди. Баҳс якунига қадар дарвозалар дахлсиз қолди. Ушбу гуруҳда 7 очко жамғарган Иордания биринчи ўринни, 6 очкога эга Австралия иккинчи ўринни эгаллаб, нимчорак финалда ўйнаш ҳуқуқини қўлга киритишди. Ўтказилган учта ўйинда икки очко жамғарган Фаластин "В" гуруҳида учинчи ўринни эгаллади. Бир очкоси мавжуд Сурия сўнги ўринни эгаллаганлиги муҳлисларни бироз ажаблантириган аниқ. Чунки Сурия Россияда уюштирилган жаҳон чемпионатида саралаш турнирининг ҳал қилувчи босқичида ҳатто Ўзбекистон терма жамоасидан ҳам юқорироқ ўринни эгаллаган эди.

Осиё кубоғи турнирининг 3-тур баҳслари давом этади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Саломатлик сирлари

МАВСУМИЙ ШАМОЛЛАШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ДАВОЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Фасллар алмашиши вақтида вирусли шамоллаш касалликларининг кучайиши анъанага айланган. Нафас йўллари оғир кенг тарқалган касаллик ҳисобланади.

Нафас йўллари оғир кенгадиган шамоллаш касаллиги тумовдан бошланади. Бу аломат ёқимсиз бўлса ҳам унчалик кўринчли эмас. Энг хавфлиси, инфекциянинг аввал томоқ ва бўғизни эгаллаши ва кейин эса трахея, бронх ва ўпкага ўтишидир.

Грипп билан курашишда эмлаш ёрдам беради. Баъзилар эмдорларга ҳавфсираб қаради. Шунга қарамадан шифокорлар гриппга қарши албатта эмлаш зарурлигини таъкидлайдилар. Эмдор айна мавсумда эпидемия чақирувчи штаммлар фаоллигини пасайтиради. Бундан ташқари, вакцина имун тизимининг қайта қурилишига ёрдам беради ва организмнинг бошқа штаммларга чидамлилигини оширади.

Дори-дармонларни узок вақт қабул қилиш мумкин эмас

Ҳар қандай кучли таъсир кўрсатувчи дорилар, шу жумладан антибиотик, ўзининг ижобий ва салбий томонларига эга. Ижобий томонлари: зарарли микробларнинг тез тугатилиши, касаллик аломатларининг йўқолиши, касал ахволининг енгилашиши. Салбий томонларига эса қўшимча хавфли таъсир ҳисобланувчи имунитетнинг зарар кўриши қиради. Шунинг учун антибиотикларни врач таъсияси асосида ва назорат остида қабул қилиш лозим.

Витаминлар – энг яхши ёрдамчилар. Витаминлар вирусли инфекцияга қарши курашда жуда яхши восита ҳисобланади, айниқса С витамини – кучли антиоксидант. Улар гриппни комплекс даволашда таркибий қисм сифатида ишлатилади.

Уй шароитида гриппни даволаш йилнинг совуқ кунлари — киш мавсуми ўзи билан бирга шамоллаш хасталиқларини, шу жумладан, инсон саломатлиги учун хавфли саналган гриппни олиб келади. Гриппдан сақланишнинг энг осон йўли – докали ниқоб тақиб юриш. Аммо бу етарли эмас. Бугун эътиборингизга гриппга қалчмаслик ва унинг олдини олиш борасида мутахассислар томонидан берилган таъсияларни ҳавола этаемиз. Оддий қоидалар ҳар кун оёқларни совуқ сувда чайинг ва организмни чинқиртириш учун бошқа муолажаларни ҳам қўлинг. Жамоат транспортда камроқ юринг, кўпроқ тоза ҳавода сайр қилинг. Хоналарни сирка ёрдамида дезинфекция қилиш мумкин. Бунинг учун 0,5 л. ошқона сиркасини то бўғлини кеттунига қадар паст оловда (20 дақиқа) қайнатилди. Ушбу профилактик муолажани ҳафтада 2-3 марта қилиш таъсия этилади. Елвизак, намлик ва совуқдан эҳтиёт бўлинг. Совуқ кунларда иссиқ кийинг. Бу мавсумда қўл бериб қўришидан сақланг. Қўлингизни иссиқ сувда совуқ билан тез-тез ювиб туринг. Ювиш асосида бармоқлар учини қисқа муддат массаж қилинг. Қўл

терисини спирт ёки ароқ билан артиб олинг. Уй ва ишхонадаги хоналарни тез-тез шамоллатиб, ҳавосини алмаштириб туриш керак. Бунда хоналар маълум микдордаги микроблардан тозаланади. Доимий тарзда имунитетни мустаҳкамланг! Иш вақти ва дам олишни тўғри ташкил қилинг.


Уйқусизликка беъэтибор бўлманг. Дам олган организм бактерияларга қарши яхшироқ кураша олади. Ўпкалар фаолиятини яхшилаш учун нафас олиш гимнастикасини бажаринг. Таом микдорини бироз камайтириб, кўпроқ турли ўтли дәмлавларни, табиий, шунингдек, цитрусли мевалардан тайёрланган шарбатларни қабул қилинг. Профилактика учун касаллик белгилари сезилиши билан ҳар тонга бир дон аскорбин таблеткасини ичинг. (Бу борада шифокордан маслаҳат сўрашни унутманг). Уйқудан олдин оёқ қафтларини бирор хил крем билан массаж қилинг. Оёқ қафтларидаги қон томирларни массаж қилиш улар фаолиятини яхшилайдди, имунитетни оширади.

Халқ табиотида... Организмда С витаминини сақлаб туриш учун таомномага тузланган қарам шарбати, лимон ва бошқа цитрус меваларини киритинг. Қора ёки қизил смородина тейерланган мурабболар шамоллаш ва яллиғланишга қарши воситалар саналади. Мураббони чойга солиб ичиш мумкин.

Шунингдек, бу меваларнинг қурилганларидан дәмлама қилиб ичиш ҳам тавсия этилади. Клюк ва меваси сиропи ёки дәмламаси ҳарорат ошганда, умумий ҳолисизликда, тумовда, йўтал ва бошқа шамоллаш хасталиқларида ёрдам беради. Гриппнинг олдини олиш ва даволаш учун қурилган наъматак мевасидан 5 ош қошиқ олинади ва ҳовончада туйиб термосга солинади, устидан қайнаган сув қуйилиб, кечасига қолдирилади. Дәмламага бироз асал ёки шакар қўшиб, кунига 3 стакандан ичилади. Шифобахш ичимлик: 1,5 литр қайнаган сувга бир ош қошиқ туз, битта лимон шарбати ва аскорбин кислотасининг 1 грамми порошогли солинади. Уйқудан 2 соат олдин қабул қилинган бу ичимлик ўзингизни тетик ҳис этишингизга қўмак беради. Таомномангизга "саримсоқли" ёғни қўшинг. Бунинг учун сариеъга майдаланган саримсоқ бўлагини соласиз ва нонга суртиб истеъмол қиласиз. Майдаланган саримсоқ бўлақларини докали халтачаларга солиб, қаравагингиз устига илиб қўйинг, ёстиқ остига ҳам қўйиш мумкин. Бир донга бош пиезни тозалаб, киргичдан ўтказинг ва икки қаватли докага қўйинг, бурун қанотларига зайтун мойи суртиб, пиезли докани бурун устига ёпинг ва ўн дақиқа ётинг. Муолажани кунига 2-3 марта қўлласса бўлади.

Тавсияларимиз зарарли бўлмаса-да, ҳар бир инсон организмнинг ўзига хослигини инобатга олиб, шифокор билан маслаҳатлашган ҳолда қўллаш мақсадга мувофиқ.

О.ЯХШИБОВЕВ тайёрлади



МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРИДИР

Ақлли киши ҳар кимдан бир нима ўрганади.

Тушқун кимса учун бу дунёда қувонч йўқ.

Феъли ёмон — топмас омон.

Ким йўғига ҳам шукр қилади, ким бориға ҳам шукр қилмайди.

Хафа қилиш осон, хурсанд қилиш қийин.

Ўзига кучи етмаган бошқага осилади.

Осон йўлдан юриш ҳамманинг ҳам қўлидан келади.

Доно бутун умр ўрганади, Нодон бутун умр ўргатади.

Бекорчининг кунни ўтмайди.

Ўзини чеклолмаган кўп нарсага эришолмайди.

Қасам ичиш — ожизлик белгиси.

Фаросат кўп нарсани ҳал қилади.

Рағбат ғайрат кўзғатади.

Кўлидан келмаган иш билан ўзини овора қилиб юриш — аҳмоқлик белгиси.

Ғийбатдан тухмат туғилади.

Югурган ўзади, Ўтирган тўзади.

Ўзини ўйлаган бошқани унутади.

Нодон билганидан қолмайди.

Кўли очикнинг ризқи сочиқ.

Бировнинг ҳақи тутати.

Кўнгил кенглиги ҳам бир давлат.

Ожиз шикоят қилади, Кучли ҳаракат.

Мақтовни кейинги ишларига рағбат деб билган ютади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти жамоаси институтининг "Автомобиллар техник эксплуатацияси" кафедраси доценти Хикмат Аҳмедович РАСУЛОВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чукур таъзия изҳор этади.



Тошкент шаҳрида 17 январь кунини ҳаво ўзгартиб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 1-3, кундузи — 14-16 даража илқ бўлади. Узгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотиға кўра, 17 январда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратилади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.